

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 13 ноябрь, № 221 (5641) Сешанба




*2012 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ҲАҚИДА АХБОРОТ

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йил 5-6 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва уни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришни, иқтисодиёт юқори ва барқарор суръатлар билан ривожланишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунлар киритилди. Булар жумласига «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун, янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун, «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган, тадбиркорлик фаолиятини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашни ва ривожлантиришни, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришни, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни назарда тутадиган бошқа бир қатор қонунлар киради.

Шу билан бирга, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқадилар.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўнинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш бораcидаги ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

## Хотин-қизлар фаоллиги ва жамият тараққиёти

*Шу кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида хотин-қизлар қўмиталари тизимида ҳисобот-сайлов конференциялари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти туманларида бўлиб ўтаётган ушбу тадбирларда қизғин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда.*

Маълумки, мустақил юртимизнинг 21 йиллик тараққиёт йўли, эришган барча ютуқлари, юксалишининг беқиёс қирраларида ҳамжиҳатлик, очиқлик, ошкоралик тамойиллари устуворлиги кўзга ташланади. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам айнан ана шу жиҳатларга эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган. Айни пайтда Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини сўзсиз бажариш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш йўналишларида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир.



*«Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради».*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасидан.

Мисол учун, яқинда Зангиота туманида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳаллаларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган иқтисодий форумда ташкил этилган меҳнат ярмаркаси вилоятимиз аҳолиси бандлигини таъминлашга катта ёрдам берди. Ана шундай тадбирлардан яна бири Оққўрғон туманида "Оилавий тадбиркор — кутбаракага очилган эшик" мавзуида ўтказилди. Унда 20 нафар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларга сертификатлар топширилди. Шунингдек, Ангрен шаҳри, Оққўрғон, Чиноз туманларида тадбиркорликни бошлаш истагида бўлган хотин-қизларга кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Оҳангарон, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Бўка, Бекобод туманларида ҳам вилоят солиқ, адлия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тарғиботи ҳамда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш мақсадида ўтказилган семинарлар ўз натижасини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).

*Истиқлолнинг ҳар бир йили улуғ бунёдкорлик ишлари, ҳар томонлама юксалиш даври бўлиб, мустақил Ватанимиз тарихига заррҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларида ўзининг юксак самараларини бераётир.*

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Хоразмлик деҳқон ва фермерлар Самарқанд ва Тошкент шаҳрида сафарда бўлдилар.**

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Хоразм вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, катта ютуқ ва марраларга қўлга киритилмоқда.

Юртимиздаги барча ўзгаришлар марказида инсон ва унинг манфаатлари турганини, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун деган тамойил асосий мақсадга айланганини ўз самарасини бераётир.

Хоразм воҳаси ўз ишининг чинакам устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқонлари билан ном қозонган.

Вилоят ер шароитининг оғирлиги, тупроғининг шўрланиши қандай машаққатли меҳнатни талаб қилишини воҳадаги ерларнинг 54 фоизи кучсиз, 33 фоизи ўртача, 13 фоизи эса кучли шўрланган ҳам кўрсатиб турибди. Бундай мураккаб шароитда деҳқончилик қилиш, юқори ҳосил олиш осон иш эмас.

Табиатнинг шундай синовлари ва инжиқликларига қарамай, ер билан тиллашиб ўз касбини, ўз ерини ардоқлаб меҳнат қилган, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этган бир гуруҳ миришкор деҳқон ва фермерларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳат ташкил қилинди.

Урганч темир йўл вокзалининг янги биноси ишга тушган кунларда биринчи йўловчилардан бўлган фермер ва деҳқонларнинг кўнгли фахр ва ифтихор туйғуларига тўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Эл саломатлиги – устувор мақсад



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Юртимизда маънан етук ва жисмонан соғлом авлод камолга етишини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Зеро, мустақиллик йилларида энг юқори талабларга ва халқаро андозаларга жавоб берадиган замонавий даволаш муассасаларининг мукаммал тизими яратилди. Бу борада, айниқса, Президентимиз Фармонига мувофиқ қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид давлат дастури алоҳида ўрин тутмоқда.*

Ислоҳот

Мазкур дастурий ҳужжатга кўра, жойларда ташкил этилган 3200 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари саломатликни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва унинг куйи бўғинини кучайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимизда сифатли ва кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида эътироф этилган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлари ташкил этилиб, улар хирургия, кардиология, урология, офтальмология, пульмонология ва фтизиатрия, эндокринология, акушерлик ва гинекология каби 10 та йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, махсус давлат дастурлари асосида замонавий скрининг ва перинатал марказларининг бутун юртимиз бўйлаб кенг тармоғи яратилдики, бу, ўз навбатида, мамлакатимизда саломатлик кўрсаткичлари барқарор сақланиб туришида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиздаги мавжуд 5100 дан зиёд тиббиёт муассасаларида 72500 нафардан ортиқ шифокор ва 305 минг нафар ўрта тиббиёт ходимлари халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашнинг самарали механизмини шакллантириш йўлида фаолият кўрсатишмоқда. Улар меҳнатининг юксак эътирофи сифатида Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, тиббиёт ходимларининг касб байрами ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбасида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Зеро, бу юртимизда инсон манфаатлари ҳамиша устуворлигининг яна бир тасдиғидир.

Пойтахтимиз ушбу сана муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирида ана шу хусусда сўз борди. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўтказилган мазкур тантанада олимлар, шифокорлар, халқаро ташкилот вакиллари ва тиббиёт йўналишидаги қатор олий ўқув юртларининг талаба ёшлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

*Ички ишлар вазирлиги Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари битирувчиларига дипломлар топшириш мароcими ўтказилди. Унда ички ишлар идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

## Малакали кадрлар

### ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаганидек, истиқлол йилларида ички ишлар идоралари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2001 йил март ойида эълон қилинган Фармони ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Унга мувофиқ, тизимдаги жиноят қидирув, терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост хизмати сақлаш, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштирилди.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

*«Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан «Мустаҳкам ёш оила» мавзуида акция ўтказилди.*

## Ёш оилалар акцияси

Тадбирга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, оила, оналик ва болаликни муҳофазалашга ихтисослаштирилган жамоат ташкилотлари вакиллари, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари бўлган ёш оилалар таклиф этилди.

«Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси директори ўринбосари М. Охунова, «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси С. Иномова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар ва хотин-қизларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

«Sen Yolg`iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси фаолияти ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишга қаратилган етакчи жамоат ташкилотларидан биридир. Жамғарма Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тарбиявий ишларни янада яхшилаш ва такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, «Битирувчиларнинг ижтимоий-маиший мослашуви» лойиҳаси Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини Ватанга муҳаббат, умрбоқий аньана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, «оммавий маданият» таъсирларидан асраб-авайлаш, муракаб тақдирли болаларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим ўрин тутмоқда. Болаларга оилавий турмуш шунчаларни сингдириш, уларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, психологик билимларини кучайтириш, муомала маданияти ва меҳнат кўникмаларини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Раъно Шамсиддинова Тошкентдаги 22-Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси. 2003 йилда мустақил ҳаётга қадам қўйган бу қиз 2-Республика тиббиёт коллежини, сўнгра Тошкент кимё-технология институтини тамомлаб, ҳозир ўқитувчилик қилмоқда. Раъно — эндиликда файзли хонадонга бека, икки нафар фарзанднинг онаси.

(Давоми 2-бетда).

## Япония университетлари – таълим кўргазмасида

*Пойтахтимизда олий ўқув юртларининг талаба ёшлари ҳамда коллеж ўқувчилари учун таълим кўргазмаси ташкил этилди.*

Анжуман

Ўзбекистон — Япония Инсон ресурсларини ривожлантириш маркази, Фонд Форум ҳамда Нагоя университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир "Японияда таълим — 2012" деб номланди.

Кўргазмада Кунчиқар юртнинг ўнлаб энг нуфузли университетларидан ташриф буюрган вакиллар, профессор-ўқитувчи ва талабалар, шунингдек, ушбу мамлакатда таълим олиб қайтган ҳамюртларимиз иштирок этишди. Улар мамлакатимиз ёшларига Япониядa таълим олиш имкониятлари ҳамда турли грант дастурлари ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

(Давоми 2-бетда).

## Истиқболли лойиҳалар муваффақияти

Бир рақам шарҳи

**2012 йилнинг 9 ойида мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган янги маҳсулотлар тури**

**957 тага етди.**

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида саноат корхоналари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши, юзлаб истиқболли лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши туфайли соҳада ана шундай юқори натижага эришилди.

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

## Хоразмлик деҳқон ва фермерлар Самарқанд ва Тошкент шаҳрида сафарда бўлдилар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Хурсандчилигимиз бугун икки ҳисса ошди, — дейди Янгибозор туманидаги "Тўлқин" фермер хўжалиги раҳбари Тозагул Ёқубова. — Давлатимиз раҳбари томонидан биз, фермерларга улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳатимиз ташкил этилаётганидан бир хурсанд бўлсак, Урганч темир йўл вокзалининг янги қиёфасини кўриб янада шод бўлдик.

Президентимиз ташаббуси билан хоразмлик фидойи юртдошларимиз қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқандни зиёрат қилиш, кейинги йилларда бу азим кентда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида бу қадимий шаҳарга ташриф буюрдилар.

Меҳмонлар Самарқанд темир йўл вокзалида тантанали кутиб олинди.

— Шаҳар остоналаридан бири саналган ушбу масканнинг бугунги қиёфаси, бу ердаги имкониятлар Шарқ гавҳари бўлган Самарқандга ҳар томонлама мос бўлибди, — дейди хоразмлик фахрий деҳқон Кенжабой Ортиқов. — Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу шаҳар азалдан "Ер юзининг сайқали", деб эътироф этилади ва уни бир бор кўриш кўпчилик учун орзудир.

Самарқанд шаҳридаги Университет хиёбони, Регистон, Бўстонсарой, Тошкент, Мирзо Улуғбек, Беруний, Спитамен, Даҳбед кўчалари капитал реконструкция қилинди. Йўллар кенгайтирилиб, унинг атрофидаги аҳоли турар-жойлари ва маъмурий бинолар, савдо ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилди. Тарихий обидалар ва муқаддас қадамжолар обод қилинди, кўплаб янги меҳмонхоналар, ҳунармандлар маркази, музей ва бошқа сервис шохобчалари очилди.

— Биз авваллари "Регистон плаза" каби меҳмонхоналар ҳақида эшитган ёки телевизорда кўрган бўлсак, бугун шундай объектлардан фойдаланиш имконига эгамиз, — дейди меҳнат фахрийси Аминбой Вафоев. — Бугун қишлоқларимизда ҳам меҳмонхоналар ташкил этилмоқда.

Меҳмонлар Самарқанд туманидаги "Оҳалик олтин боғи" фермер хўжалиги ва "Сам Рос Холод" қўшма корхонасида бўлиб, самарқандлик ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашишди.

Фермер хўжалигининг тоғли ҳудуддаги 600 гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси асосида ташкил этилган интенсив боғи меҳр билан парваришланмоқда. Бу ерга ўтқазилган кўчатлар дастлабки йилларданоқ ҳосил бериши ва кейинчалик бу боғларнинг ҳар гектаридан 15 тоннагача ҳосил олиш мумкинлиги хоразмлик фермерларда катта қизиқиш уйғотди.

— 72 гектар ерда деҳқончилик қиламиз, — дейди Гурлан туманидаги "Севара, Феруза" фермер хўжалиги раҳбари Тамара Холметова. — Пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштириш билан бирга, бир гектар ердаги боғимизда мевали дарахтлар парваришлаймиз. Самарқанд туманидаги интенсив боғлар ва уларнинг ҳосилдорлиги, фермер хўжаликларининг ўзлари етиштирган маҳсулотни сақлайдиган махсус совутқичли омборлари борлигини кўриб, биз ҳам ана шундай услубда боғ ташкил этишимиз кераклигини англадим. Фермерларнинг маҳсулотни хорижга экспорт қилиш ва қайта ишлаш учун ўз корхоналарига эгалиги ўрганса арзигулик тажриба. Самарқандлик ҳамкасбларимиз билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш ва интенсив боғ кўчатларини сотиб олишга келишиб олдик.

Хоразмлик меҳмонларда Самарқандда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг гўзал қиёфаси ўчмас таассурот қолдирди.

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуаси зиёрати давомида хоразмлик меҳмонлар ушбу қадамжода Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

— Самарқанд шаҳри, Самарқанд ва Пайариқ туманларида янги қурилган йўл ва кўприклар, таълим муассасалари, аҳоли турар-жойларини кўриб, мамлакатимизда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдик, — дейди Шовот туманидаги "Нурмат оқсоқол" фермер хўжалиги раҳбари Юсупбой Саъдуллаев. — Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилиб, юртимиз доимо тинч, халқимиз омон бўлишини сўраб дуолар қилдик. Ушбу саёҳат ташаббускори бўлган Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Меҳмонлар Регистон ансамбли, Амир Темур мақбараси, Шоҳи-Зинда ёдгорлиги, Бибихоним масжиди, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларни, ушбу масканларда амалга оширилган қурилиш-ободонлаштириш ишларини ҳайрат билан томоша қилди.

— Самарқанднинг Мирзо Улуғбек, Беруний ва Бўстонсарой кўчаларида бунёд этилган кўп қаватли уйлар, маъмурий бинолар ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг замонавий дизайни ҳавас қилгуликдир, — дейди Ҳазорасп туманидаги "Тоғай" фермер хўжалиги раҳбари Қўзибой Рўзиев. — Равон йўлларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг серқатновлиги ҳам кишига ўзгача фахру ифтихор бағишлайди. Булар Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар йўлининг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини яққол намоён этиб турибди.

Меҳмонлар "Афросиёб" тезюрар поездида Самарқанддан Тошкент шаҳрига келди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўл транспорти изчил ривожланмоқда. Минглаб километр янги темир йўллар барпо этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари яхлит транспорт-коммуникация тизимига боғланди.

— Самарқанддан Тошкентга икки соатда етиб келдик, — дейди 75 ёшли фахрий деҳқон Йўлдош Ҳожиев. — Бу поездда одам умуман чарчамас экан. Келгусида бундай поездлар Урганчга ҳам қатнашини эшитиб жуда қувондим.

Фермерлар пойтахтимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасини зиёрат қилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган кенг кўламли таъмирлаш, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар.

— Ҳазрати Имом мажмуаси маънавий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади, — дейди Қўшкўпир туманидаги "Шаҳзода Хурсанд" фермер хўжалиги раҳбари Муборак Абдураҳмонова. — Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларидан сўнг бу қадамжо пойтахтимизнинг гўзал масканларидан бирига айланди.

Меҳмонлар энг замонавий талаблар асосида қурилган "Бунёдкор" стадионини бориб кўрдилар.

— Мен футболнинг ашаддий мухлисиман, — дейди Хонқа туманидаги "Ораста Шоҳиста" фермер хўжалиги раҳбари Исломбой Ҳожиметов. — Бундай стадионларни телевизорда кўрардик. Қачон бизда ҳам шундай стадионлар бўларкин, деб ҳавас қилардик. Мана, бугун орзумиздагидек стадионни кўриб турибмиз. Унинг улуғворлиги ҳар қандай инсонни ҳайратлантира олади.

Президентимизнинг ташаббуси билан Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида пойтахтимизда "Маърифат маркази" комплекси барпо этилди. Бино энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда жаҳон талабларига жавоб берадиган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими, китобларни автоматик етказиб берадиган телелифт ҳамда энг янги нашриёт-матбаа жиҳозлари ўрнатилган. Буюртмаларни қабул қилиш ва тезкорлик билан бажариш учун компьютерлаштирилган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилган. Дунёнинг исталган давлатлари кутубхоналари билан бемалол рақобатлаша оладиган бу замонавий мажмуани хоразмлик меҳмонлар катта қизиқиш билан томоша қилдилар.

— Китобхонларнинг мутолаа қилиши, дам олиши учун ҳамма шароитлар яратилганини кўрдик, — дейди Боғот туманидаги "Искандар ота" фермер хўжалиги раҳбари Адҳам Искандаров. — Китобхон ўқув залидан "он-лайн" режимида турли мамлакатларнинг илмий тадқиқот, таълим ва бошқа адабиётлари, даврий нашрлари билан танишиши учун яратилган шароитлар кишини ҳайратга солади.

Меҳмонлар "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи билан ҳам танишдилар.

Миришкор деҳқон ва фермерлар олам-олам таассуротлар билан кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшилган ҳолда янги меҳнат зафарлари иштиёқида Хоразмга йўл олди.

**(ЎзА).**

# Эл саломатлиги – устувор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига қилинган харажатлар 3,6 баробар ўсди. Жумладан, 2011 йилда соҳа ривожи учун давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2,8 триллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Шу кунларда 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида 150 дан зиёд ҳудудий ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда 28 та замонавий қишлоқ врачлик пункти барпо этилмоқда. Улардан бири — Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги "Исковот" қишлоқ врачлик пункти мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Бу муассаса ўн мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Икки нафар умумий амалиёт шифокори ва ўн тўққиз нафар ҳамшира қишлоқ аҳолисининг саломатлигини асраш йўлида фидокорона хизмат қилмоқда. Таълим масканларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилади. ҚВПда аҳоли, хусусан, репродуктив ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирлар тиббий кўригини юқори савияда ташкил этишда биохимик анализаторлар, офтальмоскоп, бинокуляр микроскоп, феталь доплер ҳамда ЭКГ каби замонавий лаборатория таҳлил аппаратларидан самарали фойдаланилмоқда.

Мазкур ҚВП Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти — 2012" танловида биринчи ўрин соҳиби бўлди ва "Дамас" автомашинаси билан тақдирланди.

— Мен йигирма беш йилдан буён соғлиқни сақлаш соҳасида ишлайман, — дейди "Исковот" қишлоқ врачлик пункти мудири Малика Эралиева. — Аввалги қишлоқ фельдшер-акушерлик пунктида эски стол-стул ва битта кушеткадан бошқа деярли ҳеч нарса йўқ эди. Очиғи, бундай жойни тиббий хизмат кўрсатиш муассасаси дейишга тил ҳам бормас эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва беқиёс ғамхўрлиги туфайли энг олис қишлоқларда ҳам аҳолига замонавий андозалар асосида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Мен бугун ҳар томонлама талабга жавоб берадиган тиббиёт масканида фаолият кўрсатаётганимдан фахрланаман. Ушбу танловда эришган ютуғимиз бизга янада куч-ғайрат бағишлайди.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 39-оилавий поликлиника "Энг намунали оилавий поликлиника" деб топилди. Қашқадарё вилояти Ғузор тумани "Қоркўмди" қишлоқ врачлик пункти шифокори Феруза Мустанова "Йилнинг энг фаол умумий амалиёт шифокори", Андижон вилояти Асака тумани "Арғин" қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Дилноза Аҳмадалиева "Йилнинг энг фаол патронаж ҳамшираси" номинациялари бўйича ғолиб бўлди.

Байрам тадбири санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. Боситхонова, А. Икромов иштирок этди.

**Фурқат САНАЕВ.**

# Малакали кадрлар

## ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни чоғда соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2004 йил июнь ойидаги Фармони билан вазирлик ҳузуридаги Академияда Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар ташкил этилиши бу борадаги самарадорликни оширди. Мазкур курсларни битирган 8 мингдан зиёд сержант ҳозирги пайтда юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

— Олий курсларда таълимнинг самарали усуллари йўлга қўйилган, — дейди сержант Ғ. Абдуллаев. — Айниқса, бизга мультимедиа ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, чуқур билим берилди. Албатта, бу ерда олган билимимиз юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш ҳамда хизмат вазифаларимизни астойдил бажаришда қўл келади.

Анжуман доирасида ИИВ Академиясида ташкил этилган намунавий ўқув милиция таянч пунктининг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

— Бу масканда тингловчи ва курсантлар ички ишлар идораларининг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш бўйича муайян касбий билим ва кўникмага эга бўлишади, — дейди Академия кафедраси бошлиғи М. Зиёдуллаев. — Хусусан, бу ерда улар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда унинг ҳузуридаги жамоат тузилмалари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан тажриба орттирадилар. Умуман олганда, мазкур маскан тингловчи ва курсантларнинг милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни жиҳозлашга доир амалий билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тадбирда битирувчиларга дипломлар топширилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ёш оилалар акцияси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳеч кимдан кам бўлмасдан, тўкис, фаровон, осуда ҳаёт кечиришда, орзу-ниятларимиз рўёбга чиқишида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан меҳр-эътиборни ҳамиша ҳис этмоқдамиз, — дейди Р. Шамсиддинова. — Мен бахтли ҳаётимни ана шундай ғамхўрлик, доимий амалий кўмак самараси, деб биламан.

Акция давомида ёш оилаларга психологлар, ҳуқуқшунослар, ФҲДЁ органлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари томонидан зарур маслаҳатлар берилди. Меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари бўлган ёш оилаларга маиший буюм ва техникалардан иборат эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Япония университетлари – таълим кўргазмасида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен Япония халқаро университетининг магистратура таълим йўналиши бўйича таҳсил олганман, — дейди Ўғилой Жўрабоева. — Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг Халқаро иқтисодий алоқалар факультетида ўқиганим боис, Японияда ҳам худди шу ихтисослик бўйича таълимни давом эттирдим. Университетда халқаро алоқалар ва менежмент йўналишлари бўйича факультетлар мавжуд. У ерда жаҳоннинг 60 га яқин мамлакатидан борган талабалар таҳсил олади.

Таълим инглиз тилида бўлганлиги учун талаба ушбу тилни мукаммал ўрганган бўлиши лозим. Бугунги кўргазмада Японияданги таълим тизимига қизиққан ўқувчи ва талабалар билан шу хусусда мулоқот қилмоқдамиз.

Тадбирда, шунингдек, "Келажак овози" ЁТМ қошидаги Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази мутахассислари ҳам қатнашдилар. Ёшлар ушбу марказ мутахассисларидан Японияда таълим олиб қайтгач, юртимизда ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисидаги зарур ахборотларни олиш имкониятига эга бўлдилар.

Кўргазмага ташриф буюрган Япония делегацияси мамлакатимиздаги қатор ўқув муассасаларида бўлиб, ёшлар билан учрашув ва мулоқотлар ҳам ўтказмоқда. Юртимиз Ўзбекистон ҳамда Япония давлати ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир доирасида, шунингдек, таълим ва дипломатияга оид халқаро анжуманлар ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Хотин-қизлар фаоллиги ва жамият тараққиёти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу маънода, қўмитамиз аъзолари томонидан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши билан тузилган қўшма тадбирлар режаси асосида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аҳолининг, жумладан, хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Хусусан, маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган ёлғиз қариялар, ногирон аёлларнинг уйлари таъмирлаб берилди, уларнинг ўз саломатликларини тиклашлари учун зарур дори-дармон, реабилитация воситалари сотиб олишларига ёрдам кўрсатилди.

Айни чоғда вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган "Ҳамдўстлик" аёллар клуби томонидан уюштирилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари барчага бирдек манзур бўлмоқда. Яқинда мазкур аёллар клубида "Сўзаналар сири" мавзуида кўргазмали тадбир ўтказилди. Миллий-маънавий қадриятларимизнинг бир қисми бўлган каштачилик, сўзаначилик сирлари, мўъжизалари кўргазмада қатнашган чет эллик ҳамкорларимизни ҳайратга солди. Уларнинг таассуротлари, фикр-мулоҳазалари, шубҳасиз, барчамизда миллий ғурур, фахр-ифтихор туйғуларини янада кучайтиради.

Фуқаролик жамияти институти билан ўзаро ҳамкорликнинг яна бир намунаси сифатида вилоят хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган "Мустаҳкам оила" ахборот-маслаҳат марказини келтириш мақсадга мувофиқдир. Унда оила қуриш арафасида бўлган ёшлар учун суҳбатлар уюштирилмоқда. Малакали тиббиёт ходимлари, руҳшунос-психологлар, ибратли оила, хонадон соҳиб-соҳибаларининг фикр-мулоҳазалари ёш йигит-қизлар учун фойдали бўлмоқда. Айниқса, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтидорли қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш мақсадида ташкил этилган "Иқтидорли қизлар" клубининг фаолияти бу борада янада самарали бўлаётир.

Мухтасар айтганда, ўзаро ҳамкорликдаги муваффақиятлар, ҳудудимиз ривожида, айниқса, хотин-қизлар манфаатларини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис қўмитамиз аъзолари келгусида фаолиятимизни янада жонлантириш, амалий ишларга кўпроқ аҳамият қаратиш, бу борадаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этишни мақсад-муддаоси, деб ҳисоблайди.

**Сайёра ФАЙЗИЕВА,**
**Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

# Урганчда янги темир йўл вокзали

*Урганч темир йўл вокзали капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Замонавий меъморчилик андозалари асосида барпо этилган ушбу иншоот янгиланиб бораётган вилоят марказига алоҳида кўрк ва салобат бахш этди.*

Бунёдкорлик






Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

Бу ерда янги перрон, очиқ ёзги павильон, кўркам хиёбон, автомобиллар бекати ва фаввора бунёд этилди. Жаҳон талабларига жавоб берадиган мазкур темир йўл вокзалида воҳага ташриф буюрувчи сайёҳ ва йўловчиларга қулай шарт-шароитлар яратилган бўлиб, уларга юксак даражада хизмат кўрсатиш имконияти ортди.

Вилоят марказини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш лойиҳаси доирасида Урганч шаҳрида умумий қиймати 112 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигининг кўламлари кенгаймоқда

*Хитой Халқаро савдони ривожлантириш кенгаши тасарруфидаги Тижорат департаменти ҳамда ушбу мамлакатнинг Веньчжоу шаҳри Савдо-саноат палатасида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий салоҳияти тақдимотлари бўлиб ўтди.*

Биз ва жаҳон

Ушбу маросимларда мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритган кенг кўламли муваффақиятлари тўғрисидаги атрофлича маълумотлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Хитойлик тадбиркорлар томонидан эътироф этилганидек, мамлакатимизда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, қулай жуғрофий жойлашув, халқаро аҳамиятга молик ер усти ва ҳаво коммуникациялари тармоғидан иборат ривожланган транспорт-логистика тизими, диверсификациялашган саноат базаси, юксак илмий-интеллектуал ва кадрлар салоҳияти Ўзбекистонда бизнеснинг тараққиётига хизмат қилаётган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Асосан, юқори технологиялар саноатига хорижий сармояларни жалб этиш учун соддалаштирилган тартибот ва рағбатлантирувчи шароитларга эга "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонасининг фаолияти ҳам хитойлик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди.

**Миллий сиёсий маслаҳат кенгаши раисининг ўринбосари Мэн Цзиенсин** ўз чиқишида мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик улкан истиқболга эга эканлигини қайд этди. "Бугунги тақдимотда ҳавола этилган маълумотлар бизнинг диққатимизни тортди, — деди у. — Ўзбекистоннинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани, мамлакатингиз раҳбарияти томонидан давлат тараққиётининг бош мақсадлари ва устувор йўналишлари аниқ-равшан белгилаб олингани эътиборга сазовор жиҳатдир. Иқтисодий ва саноат тараққиёти бўйича ўз тажрибасига эга бўлган Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдордир".

Бундан ташқари, Мэн Цзиенсин Хитойнинг энг йирик савдо маркази бўлмиш Иу шаҳри мисолида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонаси доирасида ҳам халқ истеъмоли маҳсулотларининг субминтақавий улгуржи бозорини яратиш таклифини илгари сурди.

**Веньчжоу шаҳар мэрининг ўринбосари Чжэн Чжаоян** қайд этганидек, Веньчжоунинг Сурхондарё вилоятида ташкил этилган ва юқори технологияга асосланган "Пен Шен" қўшма корхонаси истиқболли Ўзбекистон бозорида шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва даромадли ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ниятидаги хорижлик компаниялар учун намуна бўла олади. Шунингдек, Веньчжоу шаҳри ишбилармонлари иштирокидаги яна бир корхона — Андижонда цемент заводи қурилиши якунланди, Хитойнинг бошқа бир компанияси эса маиший электр асбоблари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истагида.

"Тақдимот шарофати билан биз Ўзбекистондаги иқтисодий ва сармоявий муҳит тўғрисида кўплаб зарур маълумотларга эга бўлдик, — деди **Веньчжоу Савдо-саноат палатасининг вице-президенти Чжоу Юмин.** — Палатамиз ушбу минтақага катта қизиқиш билан қарайди. Жумладан, саноат молларини ишлаб чиқариш ва келажакда уларни Марказий Осиё бозорига олиб чиқишдан манфаатдормиз".

Шунингдек, Чжоу Юмин ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳалари бўйича маълумот алмашиш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг минтақавий филиаллари билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш истагини ҳам билдирди. "Вэньчжоу корхоналари тўқимачилик, маиший электроника, босмахона маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тери ошлаш ва тайёрлаш бўйича Хитойда етакчи ўринни эгаллайди, — деди у. — Ушбу йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳар икки томонга бирдек наф келтиради".

**"Wenzhoushi Jinsheng Trade" компанияси бош менежери ва Сурхондарё вилоятидаги "Пен Шен" қўшма корхонасининг ҳаммуассиси Чен Линван** Ўзбекистондаги бизнес юритиш муҳитидан, айниқса, самарали фаолият учун яратилган қулай шарт-шароитлардан қониқиш билдирди. Унинг сўзларига қараганда, Хитой томони истиқболли Ўзбекистон бозорига устувор аҳамият беради. Зеро, республикамиз макроиқтисодий тараққиётининг суръатлари бўлажак сармоядорларда ишонч ҳиссини уйғотади.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

## Қарор ва ижро

*Халқимизда “Қиш ғамини ёзда кўр”, деган мақол бор. Шу боис азалдан ота-боболаримиз аёзли қишнинг суронли кунларини илиқ-иссиқ, беталафот ўтказиш мақсадида йилнинг қуёшли кунлариданоқ бунга тараддуд кўриб келишади. Бу хайрли анъана бугунги кунда ҳам қўллаб-қувватланаётгани эътиборга лойиқ.*

# Мавсум масъулияти

Президентимизнинг 2012 йил 20 июндаги “Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012/2013 йилларнинг куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бунинг тасдиғидир. Мазкур қарор талаблари асосида Фарғона вилоятининг 15 та туман, 4 та шаҳар, мингдан зиёд маҳаллаларида махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, ижроси таъминланмоқда.

— Ўтган қисқа муддат ичида шаҳримизда бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Марғилон шаҳри ҳокими ўринбосари, иқтисодиёт тармоқларининг куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича шаҳар комиссияси раиси Бахтиёржон Мирзаев. — Чунончи, 277 та кўп қаватли уйнинг ҳолати ўрганиб чиқилгач, уларда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бу ишларга ҳомийларнинг 602,4 млн. сўм, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг 253 млн. сўм маблағи сарфланди.

Амалга оширилаётган тадбирларда ташаббускор тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳам фаол қатнашаётганликлари, айниқса, қувонарлидир. Жумладан, “Чилонзор” мавзесида яшовчи хусусий тадбиркор Нурилло Яҳёев ҳудуддаги 6 та кўп қаватли уйни капитал таъмирдан чиқариб берди. Болалар учун махсус ўйингоҳ қуриб, теварак-атрофини ободонлаштирди. Озиқ-овқат дўконини ишга туширди. Сунъий қопламали минифутбол майдонини фойдаланишга топширди. Фойдаланилмай ётган эски бинонинг биринчи қаватида дўкон ва чевархона очиб, 6 кишини иш билан таъминлади. Ҳудудда сув таъминотини яхшилаш учун тик дренаж кавланишига бошчилик қилди.

— Маҳалламизнинг Хиёбон кўчасидаги 6 та кўп қаватли уй куз-қиш мавсуми олдидан сифатли таъмирланди, — дейди “Пичоқчи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Умаров. — Бу ерда, шунингдек, 2 та болалар спорт майдончаси ташкил этилди.

Шаҳардаги 54 та маҳалланинг 9155 та хонадонини эса қаттиқ ёқилғи билан таъминлаш чоралари кўрилиб, ҳар бир оилага ўртача 1,5 тоннадан кўмир берилаяпти. Бундан ташқари, Қўқон механика заводидан аҳоли учун 5 минг дона суюлтирилган газ баллони сотиб олиш бўйича шартнома тузилган бўлса, газ идораси томонидан 1100 дона газ баллонини фуқароларга ижарага бериб ишлатиш йўлга қўйилди.

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими бўлими муассасалари ҳамда касб-ҳунар коллежларида қишга тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилган. Бу ишга дахлдор ташкилотлар эса зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан адо этмоқдалар.

Шу билан бирга, “Фарғона энерго маркази” очиқ акциядорлик жамияти томонидан асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик ускуналарни мукаммал ҳамда жорий таъмирлаш, иқтисодиёт тармоқлари, корхоналари ва муассасаларининг куз-қиш даврида барқарор ишлашига эришиш учун бутун куч-имкониятлар ишга солинмоқда.

Бу муҳим тадбирга жамият ҳисобидан 470 млн. сўм йўналтирилиши белгиланган. Қолаверса, шаҳардаги 382 та кўп қаватли уйни, 12 та мактаб ва шунча мактабгача таълим муассасаси, 6 та коллеж ва ўндан ортиқ хўжалик ҳисобидаги корхоналарни узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминлаш вазифаси ҳам мазкур жамоа зиммасида.

— Вилоят иқтисодиёти тармоқларини 2012/2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича тадбирлар режасида 28 та қозонхона, 39 та иситиш қозони, 11,1 километр узунликдаги иссиқлик тармоқларини капитал, 65 та қозонхона, 54 та иситиш қозони, 19,4 километрлик иссиқлик тармоқларини жорий таъмирлаш кўзда тутилган эди, — дейди “Фарғона энерго маркази” очиқ акциядорлик жамияти раиси Ҳакимжон Иброҳимов. — Бу борадаги юмушлар ҳам қатъий режа асосида олиб борилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунга қадар “Шарқ тонги” қозонхонасидаги 3 та “ПТВМ-50” русумли, “КЕЧ” қозонхонасидаги 2 та “ТВГ-2,5” русумли қозонлар, 7 километрлик иссиқлик қувурлари жорий таъмирланди. 20 та сув ҳайдаш насоси, вентилятор созланиб, 1,2 километр узунликдаги қувурлар иссиқлик қопламаси билан ўраб чиқилди.

Қиргули — нафақат вилоятнинг, балки мамлакатимизнинг йирик индустриал марказларидан бири. Бу ердаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни ичимлик суви, иссиқ сув билан таъминлаш “Қиргули иссиқлик манбаи” масъулияти чекланган жамияти зиммасига юклатилган. Ҳозиргача жамият томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик мақсадларига 250 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Натижада бир неча йилдан бери таъмирдан чиқарилмаган 2,6 километрлик иссиқлик тармоқлари, 3 километрлик иссиқлик узатиш қувурлари изоляция қилиниб, мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

Дарвоқе, куз-қиш мавсумига тайёргарлик масаласи яқинда бўлиб ўтган вилоят фаолларининг йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама қилиниб, бу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан қўшимча равишда 10 миллиард сўм маблағ сарф этилгани ҳам алоҳида таъкидланди.

Мухтасар айтганда, буларнинг барчаси бевосита куз-қиш даврида вилоят иқтисодиётининг барқарор ишлашини, аҳолининг эса хотиржам яшашини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

● Реклама ва эълонлар ●

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

***Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com***
***Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.***

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун**
**БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________ (имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг**
**ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

1829R/1214

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
ШУНИНГДЕК:
Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича
КАФЕЛЬ
(девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)
Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127
zakamsk-group@mail.ru
1260R/961

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.




МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
FIFA WORLD CUP Brasil

DONGNAM UZ MOTORS
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru
1121R/101

СОТАМИЗ:
• ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
• БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
• НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
• ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.
*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*
Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com
836R/566

“O‘zbekenergota‘mir” ОАЖ жамоаси директор Тимур Юнусовга фарзанди

**Абдулла ЮНУСОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Енгил саноат ва матбаа маҳсулотлари технологияси факультети декани, доцент Рустам Акбаровга волидаи муҳтарамаси

**РАЪНО аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ОБ-ҲАВО (13 ноябрь)**

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | -2 -7 | +5 +10 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | -2 -7 | +10 +15 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | -2 +3 | +7 +12 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | -2 +3 | +9 +14 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | 0 +5 | +7 +12 |
| Тошкент шаҳрида | -1 +1 | +7 +9 |




*Бирлашган Араб Амирликларида давом этаётган футбол бўйича ёшлар (U 19) ўртасидаги Осиё чемпионатининг чорак финал учрашувлари ўтказилди.*

*Совринли ўринлар учун кураш олиб бораётган Ўзбекистон футболчилари ушбу босқичда суриялик тенгқурларига қарши майдонга чиқди. Фужайро шаҳрида ташкил этилган мазкур баҳс кутилганидек, кескин ва муросасиз курашлар билан бошланди. Хусусан, рақиб жамоа дастлабки дақиқаларданоқ ўта ишончли ўйин кўрсатиб, вакилларимиз дарвозаси олдида бир қатор хавфли вазиятларни вужудга келтирди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди...*



# Футболчиларимиз жаҳон чемпионатига боради

Аввало, сурияли футболчилар гуруҳдаги барча беллашувларни ушбу шаҳарда ўтказганини айтиб ўтиш жоиз. Бу орқали улар стадиондаги муҳитга анча мослашиб олишганди, дейиш мумкин. Терма жамоамиз эса гуруҳ босқичини Рас Ал Хайма шаҳрида якунлаб, чорак финал учун Фужайрога бир ярим соат йўл босиб келганди. Маълумотларга қараганда, улар ҳатто ярим соат ҳам дам олмасдан майдонга чиқишган. Бундан ташқари, рақиб гуруҳдаги сўнгги ўйинини биздан кўра олдинроқ ўтказган ва шу туфайли ёшларимиздан олти соатдан кўпроқ дам олиш имконига эга бўлганди. Тўғри, булар арзимайдиган омиллар бўлиб туюлиши мумкин. Аммо Осиё чемпионати каби нуфузли мусобақаларда мазкур жиҳатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис майдонга мослашиши бир оз қийин кечган ҳамюртларимиз биринчи бўлимда ташаббусни деярли рақибга топшириб қўйишди. Бундан сурияликлар унумли фойдаланишди. Жумладан, 37-дақиқада Ҳамид Мидо тўп киритиб, жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Орадан етти дақиқа ўтиб, Игорь Сергеев ўртадаги мувозанатни тенглаштиришга муваффақ бўлганди. Аммо дастлабки бўлимга қўшиб берилган дақиқаларда Сардор Раҳмонов жарима майдони ичида рақибга нисбатан қўполлик ишлатди. Натижада ҳакам жазо тариқасида 11 метрлик нуқтани кўрсатди. Жарима зарбасини Маҳмуд Алмаваз аниқ бажарди — 2:1. Жамоалар шу ҳисоб билан танаффусга чиқиб кетди.

Иккинчи бўлимда эса вазият тамоман ўзгарди. Яъни энди ташаббус биз томонда бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур мусобақа давомида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси, асосан, иккинчи бўлимда фаоллик кўрсатаётганига кўп бора гувоҳ бўлаяпмиз. Муҳими, бу кетма-кет уч учрашувда жамоамиз фойдасига хизмат қилаётир. Нега деганда, гуруҳ босқичида Иордания ва Корея Халқ Демократик Республикаси ёшлар терма жамоаларига қарши кечган ўйинларда ҳам футболчиларимиз иккинчи бўлимда бурилиш ясашга муваффақ бўлгандилар. Бу сафар ҳам ҳисобда ортда қолаётган жамоамиз ана шу анъанани такрорлади. Захирадан майдонга тушган ярим ҳимоячи Ихтиёр Тошпўлатов боши билан рақиб дарвозасини ишғол қилди. Ўтказиб юборилган гол сурияли футболчилар кайфиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Ва аксинча, голдан руҳланган вакилларимиз катта куч билан олдинга ташландилар. Натижада ҳамюртларимизда бир неча бор гол киритиш имконияти юзага келди. Афсуски, улардан унумли фойдалана олмадилар. Ғолибни аниқлаш учун белгиланган қўшимча бўлимларда ҳам дарвозаларга тўп киритилмади.

Пенальтилар сериясида омад вакилларимизга кулиб боқди. Бунда дарвозабонимиз Асилбек Омоновнинг ҳам ишончли ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринли бўларди. Чунки у икки бор зарбани қайтариб, ўзининг юксак маҳорат эгаси эканлигини намоён этди. Бир вазиятда эса рақиб нишондан адашди. Вакилларимиздан Владимир Козак, Сардор Собирхўжаев ва Тимур Ҳакимов дарвозага тўпни аниқ йўлладилар. Шу тариқа 3:0 ҳисобида устун келган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ярим финалга чиқиш билан бирга, келаси йили бўладиган жаҳон чемпионатига ҳам йўлланмани қўлга киритди.

Чорак финалнинг қолган жуфтликларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Эрон — Жанубий Корея 1:4, Австралия — Иордания 3:0, Ироқ — Япония 2:1.

Футболчиларимиз ярим финалда Жанубий Корея ёшлар терма жамоасига қарши баҳс олиб борадилар. Айтиш жоизки, мазкур ўйинда ҳимоячи Максимилиан Фомин терма жамоамизга ёрдам бера олмайди. Чунки унда иккита сариқ карточка бор. Жанубий кореяликлар таркибида эса бундай футболчилар уч нафар. Улар — ҳимоячилар Санг Мин ва Ли Гванг Хун ҳамда ҳужумчи Чанг Хун. Эътиборли жиҳати, Ли Гванг Хун ва Чанг Хун чорак финалда Эрон дарвозасига гол киритишган.

Иккинчи ярим финалда эса австралиялик ёш чарм тўп усталари ироқлик тенгдошларига қарши майдонга чиқадилар. Ҳар икки ўйин 14 ноябрь куни бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иштирокидаги учрашув Рас Ал Хайма шаҳридаги "Эмирейтс" стадионида Тошкент вақти билан соат 17:00 да бошланади.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# Файзли хонадонлар шукуҳи

*"Қариси бор уйнинг париси бор", дейишади. Ҳақ гап. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотган отахону онахонлар ўзларининг ибратли ишлари билан доимо ёшларга ўрнак бўлиб келишган. Уларнинг панду насиҳатларига қулоқ тутган, дуосини олган ўғил-қизлар эса асло кам бўлмаган.*

— Турмуш ўртоғим — Зебо бувингиз билан беш ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказдик, — дейди Бухоро туманидаги Кўчкисафед қишлоғида яшовчи Қилич Тешаев. — Шукр, уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишган. Бири шифокор, бири тадбиркор, яна бири қурувчи. 28 неварам, 12 чеварам бор. Баъзан бир дастурхон атрофига жамулжам бўлиб, улар билан мириқиб суҳбатлашаман. Билимли ва зукко бу ёшлар билан хаёлан ўз болалигимни таққослайману бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизга шукроналар қиламан. Бундай кўркам мактабу коллежларда ўқиш, кенг ва шинам уйларда яшашни бизнинг авлод тасаввур ҳам қилолмасди. Шу боисдан ҳам ёшларни доимо бу кунларнинг қадрига етишга, эл-юрт учун хайрли ишларга бош қўшишга даъват этаман. Бахтимизга Юртбошимиз омон бўлсинлар, дейман.

Бутун умри далада кечган Қилич отанинг эзгу ишлардан сўз очгани бежиз эмас. Отахон ўз қишлоқдошлари билан бундан бир неча йил муқаддам ўттиз гектар ерда боғ барпо этган эди. Ҳозир унинг етти гектари хонадон аъзолари ихтиёрида. "Зарифа, Зарина" деб номланган фермер хўжалигига қарашли бу боғда ўрикнинг беш-олти хил нави бор. Унда Мирзо Бобур ажиб бир соғинч билан ёзиб қолдирган қадимий Бухоро олу(олхўри)синининг ҳам юз тупи бор. Қилич ота ва унинг хонадони аъзолари меҳру ардоғида бўлган боғ рўзғорга файз киритмоқда.

Дарвоқе, одамлари тиниб-тинчимас Кўчкисафед қишлоғида 420 оила истиқомат қилади. Деярли ҳар бир хонадонда шахсий енгил автомобиль бор. Тешаевлар хонадони эса бир йўла тўртта машинага эга. Файзли хонадондан қут-барака аримайди, деганлари балки шудир.

Инсондан яхшилик, хайрли ишлар қолади. Шу эзгу ўй-хаёл билан яшаш кишига куч-қувват ато этади. Қилич ота бундан бир неча йил муқаддам ўз жамғармаси ҳисобидан қишлоқда ҳаммом барпо этди. Бу ерда биринчи гуруҳ ногиронлари, кексалар, боқувчисини йўқотган оила аъзоларига бепул хизмат кўрсатилмоқда. Отахоннинг галдаги мақсади қишлоқда чоғроқ спорт мажмуаси қуриш.

— Ҳудудимизда 1330 та хонадон бор, — дейди "Работиқалмоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котибаси Сабоҳат Раҳматова. — Тешаевлар хонадонига ўхшаш аҳил, файзли, ўзига тинч, бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса арзигулик оилаларимиз жуда кўп. Йўлдош Холиқов, Бобомурод Назаров, Атоқул Саидов сингари пиру бадавлат отахонлар бош бўлган хонадонлар шулар жумласидан. Биз ҳудудимизда яшаётган ёш оилаларга улар ҳаётини ибрат қилиб кўрсатаяпмиз, ўзига тинч бу хонадонлар тажрибасини оммалаштиришга интилаяпмиз. Мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйган ёшлар ҳам тинч-тотув яшаётган, пойдевори мустаҳкам оилалар қаторидан ўрин олишсин, деймиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маданият хабарлари



● ПОЙТАХТИМИЗдаги "Истиқлол" санъат саройида "Марди майдон!" — жонли ижродаги қўшиқлар фестивали совриндорлари ва таниқли санъаткорлар иштирокида "Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним!" деб номланган гала концерт бўлиб ўтди. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Фонд Форум, "Terra Group" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик вокал йўналишлари бўйича ёш ва маҳоратли истеъдод эгалари жонли ижродаги қўшиқлари билан мухлисларни хушнуд этишди.

● **ФАРҒОНА шаҳрида "Кимёгар" ёшлар маданий маркази бунёд этилди. "Фарғона Азот" акциядорлик жамияти ташаббуси билан қад ростлаган мазкур мажмуада ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишлари ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилган.**



● УЛУҒНОР туманида 150 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мусиқа ва санъат мактаби биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда "Анд техназ" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари томонидан 2 миллиард 125 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари амалга оширилди.

● **КАРМАНА туманидаги "Баркамол авлод", "Ораста қизлар" кўрик-танловининг Навоий вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда юз нафарга яқин ўқувчи-қизлар қатнашди.**

**Танлов иштирокчилари ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта никоҳларнинг олдини олиш, хонадонлар саришталиги каби шартлар бўйича ўз билим ва кўникмаларини синовдан ўтказди.**

**Якунда Навоий шаҳридаги 11-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби жамоаси ғолиб, деб топилди.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Меҳр куч бағишлади

*Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритдик. Бу муваффақият мундиалга пухта тайёргарлик кўришимиз учун давлатимиз томонидан яратиб берилган шарт-шароитларнинг амалий самарасидир.*

## Дил сўзи

Очиғи, бу галги чемпионат мураббийларимиз учун ҳам, терма жамоамиз аъзолари учун ҳам ҳар қачонгидан-да масъулиятли тарзда кечди. Чунки биз мусобақага дебютант ёки доимий иштирокчи сифатида эмас, балки икки карра жаҳон чемпиони сифатида боргандик. Шу боис ҳар бир учрашувда ҳамжиҳатлик ила ҳаракат қилиб, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлашга астойдил интилдик. Беллашувлар давомида Туркия, Япония, Либерия, Англия, Украина, Аргентина, Россия каби кучли терма жамоаларни йирик ҳисобларда мағлубиятга учратиб, бош соврин соҳиби бўлдик.

Совринни қабул қилиб олиш мақсадида шоҳсупага кўтарилганимизда кўнглимизни ажиб бир ҳаяжон қамраб олди. Юртбошимизнинг ғамхўрлиги туфайли мана шундай марраларни забт этаётганимизни, бу мустақиллик шарофати эканини яна бир карра дилдан ҳис қилдик...

Самолётимиз "Тошкент" халқаро аэропортига эрта тонгда келиб қўнди. Субҳидам бўлишига қарамай, бизни кутиб олишга юзлаб ватандошларимиз, футбол ишқибозлари чиқишибди. Уларни кўриб, бошимиз осмонга етди. "Муборак бўлсин!", "Табриклаймиз!", дея ҳурмат кўрсатиб, қучоқ очиб қутлашлардан киши ўзини худди кўкларда учиб юргандек ҳис этар экан. Айтинг, бундай меҳр яна қайда бор? Ғалабамиз билан юртдошларимизга хурсандчилик улашганимиздан жуда ҳам хурсандмиз.

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига кўра, "Жасорат" медали билан тақдирландим. Бундай юксак эътибор кўнглимни тоғдек кўтарди. Инсон қадри улуғланган шундай гўзал юртда яшаётганимдан яна бир карра ғурур ҳиссини туйдим.

Келажакда Ватанимиз номини халқаро майдонларда янада юксалтириш учун бор куч ва ғайратимни ишга соламан.

**Ҳакимжон ҲАСАНОВ,**
**футбол бўйича Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси аъзоси,**
**«Жасорат» медали соҳиби.**


**2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти.
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда.
- Замонавий дизайндаги уйлар.
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга.
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга.
- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.



**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади.
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади.
- Янги уйлар сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти.
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити.
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари.
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди.
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни — тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги.
- Бир йиллик сифат кафолати.
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



**Марҳамат, мурожаат қилинг!**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига.
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига.
- «Камолот» ЁИҲ бўлинмаларига.
- Хотин-қизлар қўмиталарига.
- «Қишлоқ қурилиш банк» филиалларига, минибанкларига.
- «Қишлоқ қурилиш инвест» филиалларига.

100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Тел.: (+998 71) 150-93-39.
Факс: (+998 71) 150-39-93.
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

1882R/1294


## • Реклама ва эълонлар •


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Навоий вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Кармана тумани СИБ томонидан, ФИБ Кармана туманлараро судининг 2012 йил 16 апрелдаги 21-216/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Кармана тумани, «Дўрман» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 4477,54 кв.м., ишчи майдони 310,53 кв.м., умумий майдони 882, 84 кв.м. бўлган 12 та хонадан иборат идора биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 404 063 493 сўм.***

*Аукцион савдоси 2012 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 12 декабрь куни соат 11.00.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТИБ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил:**
**Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй,**
**Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1884A/1441

***Лицензия: RR-0001.***



**«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

***Аукцион савдосига суд ижрочиларининг Андижон шаҳар бўлими томонидан қуйидаги бино-иншоот қўйилмоқда:***

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 2011 йил 18 майдаги ижро варақасига асосан хатланган, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 10-уйда жойлашган, «Diydor Afzal» МЧЖга тегишли, ер участкаси майдони 2435,94 кв.м.дан иборат «Нодира» кинотеатри савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси бино-иншооти.

***Бошланғич баҳоси — 268 156 848 сўм.***

Қизиқиш билдирган талабгорлар бино-иншоот (кўчмас мулк)лар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси 2012 йил 14 декабрь куни соат 11.00 да Давлат мулки қўмитаси Андижон ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 14 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2012 йил 28 декабрь ва 2013 йил 11 январь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлардан аризалар Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 107-хонада иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги гаров пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини аниқ кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Rieltor ekspress konsalting» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

**Манзил: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.**
**Мўлжал — Давлат мулки қўмитаси Андижон ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават, 107-хона.**
**Телефон: (+998 93) 910-11-12.**

1883A/1201

***Лицензия: RR-0026.***



**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.20 Топширилди — 23.25** 1 2 3 4 5